Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

# ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда хусусан вилоятимизда ҳам жорий йилнинг 15 июнидан Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.**

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойишида ойлик мобайнида кўзланган мақсадларнинг самарадорлигига эришиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, транспорт ва пиёдалар гавжум бўладиган серқатнов йўллар ва жойларни яна бир бор синчиклаб кўрикдан ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир асосий вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, транспорт воситаларининг техник шайлигини, ўқувчилар ёзда ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳларда, ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ва ўргатиш ишларини янада яхшилаш кўзда тутилган.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг самарали ўтиши учун фуқаролар онгида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганларни жазолаш, жарима солиш билан мақсадга етиб бўлмаслигини, бунга фақат одамларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини юксалтириш орқалигина эришиш мумкинлигига оид тушунчани сингдириш лозим.

Шу боис, ойлик мобайнида шаҳар ва туманларимизда йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари – ҳайдовчилар, пиёдалар, йўловчилар, айниқса, болалар иштирокида кўплаб учрашувлар ташкил қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида жойларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ўтказилади.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори.**

# ЁШЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

**Пойтахтимиздаги "Форум юниор" болалар спорт мажмуида ёш иқтидорли спортчиларга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ўта оғир вазнда профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев томонидан таъсис этилган грантларни топшириш маросими бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда таниқли боксчи Руслан Чагаев ҳамкорлигида бошланган ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли иш бу борада мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган эзгу тадбирларнинг ўзига хос узвий давомидир.

Ҳамкорликда ташкил этилган махсус жамғармадан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида яшайдиган етмиш нафар иқтидорли ёш спортчига навбатдаги грантлар топширилди.

Тадбирда қўл жанги ва яккакураш бўйича болалар спорт жамоалари, ёш ижрочилар ва эстрада юлдузларининг дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

# НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

**Маълумки спиртли ичимликларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилиши иқтисодиётга жиддий зарар етказаётир. Айни пайтда бу инсон саломатлиги учун ҳам хавф туғдириб, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини камситади.**

Президентимизнинг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилувчилар спиртли ичимликларни фақат «Шаробсавдо» ихтисослаштирилган ҳудудий улгуржи базаларидангина олишлари белгиланди. 2007 йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан ўқув, мактабгача тарбия, диний ва тиббиёт муассасаларига яқин жойлашмаган, фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналари ўрнатилган юридик шахс ҳисобланувчи савдо корхоналаригагина алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи берилади.

Ушбу қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш, алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши, контрабанда йўли билан олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш мақсадида Янгийўл шаҳрида кундузги ва тунги рейдлар ташкил этилиб, алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш қоидаларига риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Шаҳар солиқ инспекцияси, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлинмаси билан ҳамкорликда ўтказилган рейд текширувида фуқаро И. Енилеев ўз уйида О. Рихсибоевга учта қутига жойлаштирилган 60 шиша «қўлбола» ароқнинг ҳар шишасини 900 сўмдан жами 54000 сўмга сотаётганлиги аниқланиб, далолатнома тузилди. Қинғир йўллар билан даромад топишни мақсад қилиб олган фуқаро қўлбола ароқларни Қозоғистон Республикасидан яширинча олиб келинган спиртдан тайёрлаганлиги аниқланди. И. Енилеевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Самарқанд кўчасида озиқ-овқат ва алкоголь маҳсулотлари сотувга қўйилган дўкон ҳам текширилди. Унинг соҳибаси Д. Мамадалиева солиқ тўловчи юридик ёки жисмоний шахс сифатида рўйхатдан ўтмаганлиги, савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияси йўқлиги, дўконга фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси ўрнатилмаганлиги маълум бўлди. Сотувга чиқарилган, сифат сертификатисиз озиқ-овқат маҳсулотлари холислар иштирокида олиниб, ҳужжатларга аниқлик киритилгунча сақлаш учун махсус дўконга топширилди. Тегишли далолатнома тузилиб, қонуний чора кўриш учун махсус шаҳар идорасига юборилди.

Шу куни рейд текширувига чиққан ходимлар алкоголь маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётган яна бир фуқарони аниқлашди. Маълум бўлишича, Янгийўл тумани Халқобод шаҳарчаси Миришкор маҳалласида яшовчи фуқаро Б. Ғойибназаров Самарқанд кўча 156-уй ёнида ошхона-кафе ташкил қилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборган. Лекин у ҳам белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиш, кафега фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машинаси ўрнатиш, алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун нималар қилиш кераклигини билсада, бунга амал қилмаган. Бу ҳолатда ҳам тегишли чора кўрилиб, ноқонуний фаолият илдизига болта урилди.

**Шокир ҚЎЗИЕВ,**
**Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.**

# БОШҚАРМАДАГИ АНЖУМАН

**Фан ва техника тобора юксалиб, цивилизация тараққий этаётган бугунги кунда пайдо бўлаётган талай экологик муаммолар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Чўлланиш ана шундай муаммолардан биридир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказида жаҳонда саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунига бағишлаб ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда олимлар, мутахассислар, тегишли вазирлик, идора ва жамоат бирлашмалари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуманда бажарилаётган ишлар, ютуқлар ва ечимини кутаётган вазифалар хусусида атрофлича фикрлашилди. Чўлланишнинг олдини олишга оид миллий стратегия ва ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилаётган эътибор самараси, глобал иқлим ўзгаришининг экологик барқарорликка салбий таъсири, чўлланишга қарши курашда экологик индикаторларни қўллаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди. Мутахассислар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Маҳалла



# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

**Бугунги кунда Чирчиқ шаҳридаги Кимёгар маҳалласида икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. 20 дан ортиқ миллат вакиллари ўзаро аҳил, баҳамжиҳатликда умргузаронлик қилишади.**

– Маҳалла аҳлининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги боис йилдан йилга ҳудудимиз чирой очиб, савдо-сотиқ, сервис хизматлари тобора кенгайиб бормоқда, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Абдумўмин Қоратоев. – Тадбиркорларимиз ободончилик ишларида ҳам фаол қатнашиб, янги иш жойларини яратиш борасида тинмай изланмоқдалар.

Жумладан, тадбиркор Маъмур Раҳмонов шаҳар меҳнат биржаси билан шартнома асосида ўндан зиёд кишини доимий меҳнат фаолиятига жалб этди. Булардан ташқари кўп болали, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиб, маҳалла футбол жамоасига ҳомийлик қилаётир.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**СУРАТДА:**
А. Қоратоев маслаҳатчи Умида Усмонова, котиба Муҳаббат Қодирова навбатдаги режалар хусусида фикрлашмоқда.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Касаначилик

# ИМКОН ИЗЛАГАНГА БАРАКА

**Бугун «касаначилик» деган сўз анчайин қулоғимизга ўрнашиб улгурди. Оиладан, уй ишидан ортиб, корхона, ташкилотларда ишлаш имконияти бўлмаганлар ва қўшимча даромадга муҳтож шахслар учун касаначилик билан шуғулланиш жуда қўл келмоқда. Айниқса халқ ҳунармандчилигида бу тизим муқим даромад манбаига айланди.**

Хўш, касаначилар меҳнат шартномаларида кўрсатилган қандай ҳуқуқларга эгалар? Бугун уларни қандай масалалар ўйлантирмоқда? Соҳани ривожлантириш учун қандай ҳуқуқий асослар яратилган?

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикасида уйда ишловчилар меҳнатини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом» бу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим омил бўлмоқда. Унга кўра, касаначилик бўйича меҳнат шартномалари, асосан, вояга етмаган болалари бўлган аёллар, ногиронлар, пенсионерлар, ногирон ёки бошқа беморларни парвариш қилаётган шахслар, мавсумий ишларда банд бўлган, тегишли меҳнат мажбуриятларини уйда адо этиш учун зарур уй-жой ва маиший шароитга эга бўлган шахслар билангина тузилиши мумкин. Касаначилар меҳнати, иш вақти ва дам олиш вақтлари келишилган ҳолда амалдаги меҳнат қонунчилиги талаблари доирасида белгиланади.

Касаначи иш ва дам олиш вақти, меҳнат шароити ва муҳофазаси жиҳатдан бошқа соҳаларда ишловчи ходимлар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади. Хусусан, ҳар йили ҳақ тўланадиган ва иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда меҳнат таътилига чиқиши ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиши мумкин.

Мамлакатимизда ана шундай ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда биргина хотин-қизларни меҳнатга жалб этишда қўл келаётган касаначилик туфайли шу кунгача 262 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган ва ўз меҳнати билан элимиз равнақига ҳисса қўшаётган тадбиркор аёлларга тижорат банклари томонидан 49 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ҳар соҳада бўлганидек, ҳунармандлар ва касаначиларни ҳам ўйлантирадиган муаммолар йўқ эмас, албатта. Масалан, бешик, ўқлов, элак, қути, сандиқлар, ёғоч ўймакорлиги учун боп ёғочлар топишда қийинчиликлар туғилмоқда. Қурилишларда ишлатиладиган дарахт турларини етиштириш эса камайиб кетди.

Соҳада зарур бўладиган хом ашёни харид қилиш учун кам фоизли кредитлар ажратиш жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари айрим ҳолатларда ҳунармандлар, касаначилар маблағ топиб, кўп миқдорда ёғоч, тунука олиб келадиган бўлса, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳужжат талаб қилади. Шунинг учун ҳунарманд ва касаначиларга олдиндан маҳсулот келтиришга рухсатнома бериш тартибини ўйлаб кўриш зарур.

Шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларида ҳунармандлар, касаначилар тегишли уюшмаларга бирлашган бўлиб, уларга аъзолик бадали тўлашади. Аммо уюшма уларга арзигулик бирор кўмак бераяпти дейиш қийин. Ҳунармандчилик уюшмаларининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим. Уларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир муаммо бу — ер масаласидир. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлиги қарори билан ҳунармандчилик уюшмалари ихтиёрига камида 3-4 гектар ер ажратилса, у ерда тол, терак ва бошқа тез ўсувчи дарахтлар ўстирилса, кўпи билан 3-4 йилда ҳунарманд, касаначилар мушкули осонлашарди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари оғишмай ҳаётга татбиқ этилиб, йўл-йўлакай учрайдиган муаммолар ўз вақтида ҳал қилинса, ишсизлик масаласи бир мунча барҳам топади.

**Улуғбек ҚИЛИЧЕВ,**
**ЎзМУ тадқиқотчиси.**

Сўранг, жавоб берамиз

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

*Қишлоғимиздаги буюм дўконидан кўйлак харид қилувдим. Кўйлак бир ювилгандан сўнг рангида ранг қолмади. Ваҳоланки, мен сотувчидан харид қилишдан олдин худди шу хусусда сўраган эдим. У эса ранги сувда айнимаслигини айтувди. Энди мен нима қилишим керак?*

*Сотволди Мўминов,*
*меҳнат фахрийси,*
*Бекобод тумани.*

**Саволга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова жавоб беради.**

*Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари*

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қисқа (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

# ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

**Ангренлик тадбиркор Олимжон Бойдуллаевнинг саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги қурилиши тугалланмаган уч қаватли бино савдо марказига мослаштирилди.**

– Бинонинг биринчи қаватида озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари савдоси учун мўлжалланган бўлимлар иш бошлади, – дейди тадбиркор. – Иккинчи қаватда 150 ўринли ошхона зали, учинчи қаватда эса эркаклар ҳамда аёллар салони, «Тўй либослари», «Янги моделлар» каби хизмат турлари йўлга қўйилади.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**


**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2005 йил 3 октябрдаги 11-0519/5216-сонли суд буйруғига асосан хатланган, "Чотқол" ҚКга тегишли, Ангрен шаҳри, Гулбоғ қишлоғида жойлашган, 3 қаватли, фойдали майдони 3469,77 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси.

**Бошланғич баҳоси – 46 897 000 сўм.**

2. Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 22 ноябрдаги 11-0607/12644-сонли суд буйруғига асосан хатланган, "Паркент ИКМК" ОАЖга тегишли, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ёшлик қўрғонида жойлашган, 1983 йилда қурилган, 2 қаватли умумий майдони 720 кв.м. бўлган маъмурий бино ҳамда 1985 йилда қурилган, умумий майдони 781 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехидан иборат Бино ва иншоотлар мажмуи.

**Бошланғич баҳоси – 75 381 291 сўм.**

3. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 2 ноябрдаги 11-0615/9417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Акмал" х/фга тегишли, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Озод ш/х, Бешовул участкасида жойлашган, майдони 9594 кв.м бўлган, Тегирмон биноси ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси – 114 642 000 сўм.**

4. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 2 апрелдаги 11-0723/2302-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон шаҳар ҳудудида сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 АС 563 бўлган, "ВАЗ-21063" русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 290 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14 август кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк объектлари ва транспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

5. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 19 июндаги 22.06.03-1591-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Alvon-LTD" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Ф. Хаджаев кўчаси, 13-уйда жойлашган, Оҳангарон шаҳар ЖИБ судида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, давлат рақами 22 АС 645 бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 4 634 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 24, 31 июль ва 7, 14, 21 август кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк ва автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулк объектлари ва автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"-нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй.
**Телефонлар:** 228-79-52, 228-84-48.
**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz

**Лицензия: DB 001 №000004.**



**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси "Respublika Mulk-Auksioni" ДУК билан ҳамкорликда барча сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

17 июль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ АУКЦИОН савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

| Русуми | Давлат белгиси | Ишлаб чиқарилган йили | Тури | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| **Келес шаҳри, А. Икромов кўчаси 100-уй, "Иссиқлик манбаи" Тошкент вилояти ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли** | | | | |
| ГАЗ-24 (оқ ранг) носоз | 11 AD 253 | 1979 | енгил | 367 800,0 |
| **Оҳунбобоева кўчаси 22-уй, Давлат тижорат Халқ банки Зангиота филиалига қарашли** | | | | |
| ВАЗ-2106 (қизил ранг) носоз | 11 AI 406 | 1995 | енгил | 450 000,0 |

Ушбу очиқ аукцион савдоларида сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий савдоси

2007 йил 24, 31 июль ва 7, 14, 21 август кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсаноатқурилишбанки" Марказий амалиёт минтақавий филиали 2021 0000 8045 3759 9001 МФО-00442 СТИР- 206 761 326. ОКОНХ 84100 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.

**Телефонлар:** 139-83-82, 150-35-55. Факс: 139-83-77.




# «МЕН – ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИМАН!»

*Замондошимиз Жамила Шермуҳаммедова – сиёсатшунос, файласуф олима, тадбиркор аёл, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси эксперти, Ўзбекистон юрист аёллар жамоа бирлашмасининг ижрочи директори.*
*Ҳаётдаги шиори: «Олим бўлсанг, олам сеники».*
*Матлаби: Ватанга муҳаббат, оиласи, дўст-ёрларига садоқат, бағрикенглик.*
*Севган машғулоти: доимий мутолаа, стол тенниси, уй безатиш, ошхона ишлари – дунё таомларини тайёрлаш.*



Ўзбекистон Миллий университетининг талабаси Жамила йигирма бир ёшида Тўйтепа шаҳрига келин бўлиб тушди. Йигирма беш йил қайнота-қайнона хизматида, уларнинг олқишу ардоғида бўлди. Ўттиз олти йилдан буён умр йўлдоши билан ширин ҳаёт кечириб келмоқда.

– Ҳар бир инсон ўз ҳаёт йўлини ўзи топиши керак – дейди олима. – Бу осонми ёки қийин? Менимча, ким ҳаётни севса, ардоқласа, қариндош-уруғ, дўстёрларни эъзозласа, етим-есир, ногиронларни тушуна олса, ҳаёти осон кечиши аниқ. Ҳаёт кимлар учун қийин? Таъмагир, ёлғончи, танбал одамлар ҳаётдан нуқсон қидириб яшайди.

Мен мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ ташаббускор, ташкилотчи ўқитувчиларимга ҳавас билан қарардим, уларга ўхшашга ҳаракат қилардим. Ўн йил давомида синф сардори бўлдим. Ўшанда ҳам синфдошларим, ўртоқларимга мурувват кўрсатиш, яхшилик қилиб, раҳмат эшитишни хуш кўрардим. 1967 йилдан Миллий университетда ўқий бошлагач, ётоқхонада яшайдиган қизлар билан «Ширин» қизлар клубини ташкил этдик. Қизларнинг юриш-туриши, маданияти, ахлоқи, оилага муносабатини ўрганиб, очиқ мулоқотлар ўтказар эдим. Бу мулоқотларга бошқа факультетлар, ҳатто, бошқа олий илмгоҳ талабалари ҳам қизиқиб қатнашар эди. Мақсад – қизларнинг бетакрор, шарқона одоби, маънавий қиёфасини улуғлаш, ўзлигини йўқотмасликка ундаш эди...

***Маълумотномадан:*** *Мустақиллик йилларида вилоят олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўнлаб юқори малакали олималар етишиб чиқди. Ҳозир бу даргоҳларда 160 дан кўпроқ олима меҳнат қилмоқда. Улардан 13 киши фан доктори, 80 га яқини фан номзоди унвонларига эга. Илмий ходимлар, аспирант ва докторантлар қарийб 70 нафарга етди. Улар замонавий илм-фаннинг барча йўналишларида самарали тадқиқотлар олиб бормоқдалар.*

Университетда илмий ходим вазифасида иш бошлаганига ҳам ўттиз беш йил бўлибди. Оила,

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

мактаб, университет ҳаёти, доимий изланиш, жўшқинлик ва албатта, тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди. «Шахсни шакллантиришда маънавий маданиятнинг роли» мавзусидаги номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Олима мустақиллик йилларида аёл, оила, жамият; аёл ва сиёсат масалаларини кенг ва чуқур ўрганди. Шу мавзулардаги монографиялар ва бошқа илмий-публицистик асарлари рус, инглиз ва турк тилларида чоп этилди. Унинг йирик анжуманлардаги «Аёл ва оила» мавзусига бағишланган маърузалари вилоятимиз аёллари томонидан доимо қизғин кутиб олинмоқда.

## ОИЛА – МУҚАДДАС

– Оила – жамиятнинг жавоҳири, – дейди Жамила Тошмуҳаммедовна. – Зеро, жамиятнинг бу муҳим бўғини барча эзгуликлар бешигидир. Баъзан эса бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун давлатимиз айнан оила институтларини мукаммал шакллантиришга, оила бошқарувининг нуфузини кўтаришга катта эътибор бермоқда. Аслида оила – умр бўйи изланиш дегани, унинг ўрганилиши лозим бўлган қирралари кўп. Биз Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» мавзусида семинар-тренинглар ўтказдик. Доимий мулоқотлар натижаси шуни кўрсатдики, оила ота-она хоҳиши ёки моддий эҳтиёж орқали эмас, балки соф муҳаббат орқали қурилиши лозим. Буни ёшларнинг ўзлари тан олишди.

Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилганидек, эр ёки хотинни танлаш ихтиёрийдир. Айни шу жиҳат мустаҳкам ва мукаммал оилаларнинг ташкил топишига асос бўлади. Ёшлар ўртасида доимий тушунтириш, семинар-тренинглар олиб боришимизнинг аҳамияти шундаки, оиланинг асосида, энг муҳими, жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий эҳтиёжлари ётади. Бу эҳтиёжларнинг яратувчиси инсонни эса ота-она оилада тарбиялаб вояга етказади.

***Маълумотномадан:*** *«Бугунги кунда вилоятимизда 570 мингдан зиёд оила бор. Улар 2,5 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турибди. Ҳар йили 19 мингга яқин никоҳ қайд этилмоқда».*

Ҳақиқатан ҳам вилоятимиз туман, шаҳар ва қишлоқларида аёл, оила, жамият мавзуларида ўтказилаётган семинар-тренингларнинг қизиқарли, жонли ўтишида бой ҳаётий тажрибага эга бўлган Жамила Шермуҳаммедованинг хизматлари беқиёс.

– Ҳар бир ота-она оилада фарзанд учун ибрат бўлиши лозим, – дейди олима бундай машғулотларнинг иштирокчиларига. – Айтинг-чи, ўзига қарашни билмайдиган, муомала маданиятини тушунмайдиган, ўз ҳуқуқ ва бурчини англаб етмайдиган ота ёки она яхши фарзандни тарбиялай оладими?

– Йўқ...

– Яхши, энди айтинг-чи, мукаммал оила дегани нима? Уни қандай тушунасиз?

– ...

– Аслида мукаммал деган сўз нисбий тушунча. Келинг, яхшиси ибратли оила деган иборани ишлатайлик. Яъни, ҳар қандай вазиятда тўғри хулоса чиқариш, жамиятга фойда келтирадиган баркамол, етук фарзандларни тарбиялаш салоҳиятига эга бўлган ота-она, замон билан ҳамнафас эмин-эркин фикрлайдиган, ўз бурч ва вазифаларини чуқур англай оладиган ўғил-қизлардан иборат оилани мукаммал ёки ибратли оила дейиш мумкин.

Оила – жамиятнинг бош бўғини. Шунинг учун ҳам бугун юртимизда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутувчи барқарор оилалар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Жамила Шермуҳаммедова Ўзбекистон юрист аёллар жамоа бирлашмасидаги фаолияти ҳақида қониқиш билан сўзлайди:

– Оилалар барқарорлиги ёшлар орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аёлларимиз маънавий-маърифий дунёқараши шаклланган ҳуқуқий саводхон бўлишлари зарур. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бунда уларнинг моддий аҳволи, оила аъзолари, айниқса аёлларнинг иш билан бандлиги, оила бюджетининг мустаҳкамланиб бориши муҳим.

***Маълумотномадан:*** *«Вилоятимизда 2005-2007 йиллар давомида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастури муваффақиятли амалга оширилаётир. Ўтган йили аёллар учун 17 минг 144 иш ўрни яратилди».*

– Бирлашмамизда ташкил этилган «Ишонч» телефони кўп оилаларнинг қайта тикланишида, муаммолар, тушунмовчиликларни ўз вақтида бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Бир йил ичида уч мингта телефон қўнғироқлари ўрганиб чиқилди. Мутахассисларнинг беғараз ёрдамлари, маслаҳатлари туфайли айниқса ёш оилалар бузилиб кетишининг олди олинди. Тажрибадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, кўп оилалардаги нотинчликларга ота-оналарнинг ношудлиги, лоқайдлиги ёки манманлик, худбинлик иллатлари сабаб бўлмоқда. Моддий қарамлик натижасида беқарорлик, нописандлик ҳолатлари кўп кузатилади. Президентнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Фармони айни муддао бўлди. Ёш оилаларнинг мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш борасидаги ғамхўрликлар мустаҳкам, соғлом оилаларнинг ташкил топишига хизмат қилиши шубҳасиз. Ёшлар бу эътиборга муносиб жавоб бериб, шунга яраша ҳаракат қилмоқдалар, яхшироқ меҳнат қилиб, яхшироқ яшашга интилмоқдалар. Ҳозирги глобаллашув, юқори даражадаги тараққиёт даври боқимандаликни кечирмайди. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деб бежиз айтилмаган. Мен буни ўз ҳаётим мисолида айтаяпман.

## ТАДБИРКОРЛИК – ҲАРАКАТ ВА ИЗЛАНИШДИР

– Университетда ишлаб туриб, шаҳар ва қишлоқларга чиқиб ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш билан шуғулланганман, – эслайди суҳбатдошимиз. – Бу бир томондан қўшимча даромад ҳам. Ҳар йили таътил пайтларида бутун республика бўйича ўқув-таълим муассасаларида турли мавзуларда маърузалар ўқиганман. Малака ошириш институтлари, ўрта махсус таълим муассасаларида дарс бериш, таржимонлик – булар қисман бўлсада оила бюджетига ёрдам ҳам эди. Лекин мендаги бор қобилият, илмий-назарий, интеллектуал бойлик – капитал, мустақиллик йилларидан, аниқроғи 1991 йилдан бошлаб юзага чиқа бошлади. Илк бор ўзимни тадбиркорликда синаб кўриш имконияти туғилди. Чет эл мутахассислари билан тажриба алмашиш натижасида Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда «АКОТЕКС» қўшма корхонасини ташкил этдик. Шунда биринчи бор Ўзбекистонга замонавий «Пассап» тўқув дастгоҳлари олиб келинди. Бу дастгоҳлар билан жиҳозланган тўқув цехимизда 30 аёл ишлай бошлади. Унда болалар ва катталар учун иссиқ кийимлар тўқилар эди.

***Маълумотномадан:*** *«Ҳозирги пайтда 8 мингга яқин опасингилларимиз ўз фермер хўжаликлари, хусусий корхоналари ва фирмаларини ташкил этиб, самарали фаолият юритмоқдалар. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида уларнинг салмоғи ортиб бораяпти. Бугунги кунда 13 минг 211 аёл оилавий тадбиркорлик билан банд. Зарифа Баҳодирова, Гулчеҳра Пўлатова, Бейсенгул Жолтаева, Бусалима Турдибоева, Манзура Умарова, Дилбар Алимжонова сингари тадбиркорларнинг фаолияти айниқса самарали ва ибратли бўлаётир».*

– Тадбиркорлик – бу тинимсиз изланиш, интилиш эканлигини шунда тушуниб етдим, чоғи. Умр йўлдошим, иқтисод фанлари номзоди Расиқ Искандарович билан бирга оилавий-хусусий корхона очишга жазм этдик ва бунга эришдик ҳам. Бунда Туркиянинг «GENC DEGIRMEN» фирмаси билан ҳамкорлигимиз муҳим ўрин тутаётир. Янги корхонани «ҲАЁТ И.Р.Ж.О.» деб номладик. Ҳа, яна таъкидлаб айтаман, бу мустақиллик бизга берган катта имконият эди. Мана, ўн бир йилдан буён энг юқори сифатли дон маҳсулотлари – ун ишлаб чиқарадиган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарни қуриш билан бандмиз. Ҳозир Ўзбекистоннинг турли вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида 16 та замонавий тегирмонлар фаолиятини йўлга қўймоқдамиз. Улар бир кунда 30 тоннадан 150 тоннагача ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўз навбатида бу бандлик, ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Тўғри, бундай кўламли ишларнинг ўзига яраша машаққати, мушкулотлари ҳам бор. Лекин давлатимиз раҳбарининг чет эл инвестициясини жалб этиш ва халқ фаровонлиги йўлида ундан оқилона фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмаларини бажара бориб, 1 миллиард сўм чет эл сармоясини ишлаб чиқаришга йўналтира олганимиз бу қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Қолаверса, корхоналар ташкил этилган шаҳар ёки қишлоқлар ободлиги, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш, иш билан таъминлашдек хайрли амаллар кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Янгиҳаёт шаҳарчасидаги тегирмон хусусий корхонамизнинг янги бизнес лойиҳаси асосида қурилмоқда. Яқин кунларда тўла қувват билан ишлай бошлайдиган бу корхона Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллик тўйига муносиб совға бўлади деган ниятдамиз.

... Ҳақиқатан ҳам инсон манфаатлари устувор бўлган бизнинг мамлакатимизда бундай саъй-ҳаракатлар доимо қўллаб-қувватланади. Ҳозирги кунда юзга яқин аҳолини иш билан таъминлаган бу корхона янада кенгайтирилишига шубҳа йўқ. Муҳими, инсонда ўз қилаётган ишидан қониқиш, келажакка ишонч бўлсин.

– Инсон ҳеч қачон ҳаракатдан тўхтамаслиги керак, – дейди олима. – Менинг назаримда ҳаракат тўхтаган жойда ҳаёт тўхтайди. Ҳозирги кунда яшаш, ишлаш, ижод қилиш, яратиш учун барча имкониятлар етарли. Фақат ундан тўғри, ўрнида, унумли фойдалана олиш керак.

Шу кунларда мен тадбиркорлик ишлари билан бир қаторда илмий изланишларимни ҳам давом эттирмоқдаман. Фақатгина Ўзбекистон ёки Марказий Осиё эмас, балки Шарқий Европа, Скандинавия олимлари билан ҳамкорликда глобаллашув ва демократик жараёнда Гендер тенглиги мавзусида тадқиқот ишларини олиб бораяпман. Бу изланишлар менга куч-қувват бериб, келажакка ишонч уйғотаяпти. Чунки, илмсиз, интилишсиз ва ҳаракатсиз на университетда, на жамоат бирлашмасида ёки хотин-қизлар қўмитасида ё хусусий корхонадан ўрин топа оламан. Шунинг учун ҳам қандай лавозимда ёки вазифада бўлмай, илм-фан, лаёқат, интилиш менинг асосий қуролим, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш манбаидир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ТОМЧИДА – ҲАЁТ АКСИ

**Сув – табиатнинг буюк инъоми. Уни ўз эҳтиёжларимиз учун аямай сарфлаймиз. Баъзан сувни исроф қилмаслик ҳақида соатлаб ваъз ўқиймиз. Аслида ўзимиз айтган гапларга кўпам амал қилавермаймиз. Бугунги кунда сув танқислиги масаласи бутун дунё мамлакатларининг энг долзарб муаммосига айланган.**

2005-2010 йиллар – «Чўлланиш ҳамда қурғоқчиликка қарши кураш йиллари» деб эълон қилинди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Дунёнинг қайсидир чеккасида тоза ичимлик сувининг танқислиги ҳамда бутунлай йўқлиги сабаб юзлаб инсонлар нобуд бўлаётган бўлса, яна бир чеккасида тоза сувдан фойдаланишда ҳаддан ташқари исрофгарчилик кузатилмоқда.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси жойларда сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлигида фермер хўжаликлари ва йирик сув хўжалиги иншоотлари ходимлари иштирокида «Сув ресурсларини тўғри тақсимлаш ва ундан унумли фойдаланиш» мавзусида семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, маҳаллий ҳокимлик вакиллари билан биргаликда магистраль каналларнинг тозалиги ўрганилмоқда. Уларни ва анҳорларни тозалаш бўйича махсус тактик ўқув машқларини ўтказиш йўлга қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад – нафақат сувни тежаш, балки аҳолининг табиат неъматлари қадрини кўпроқ англашларига эришиш, уларда дам олиш маданияти кўникмаларини тўғри шакллантиришдан иборатдир. Айни кунда бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишларнинг аксарияти ана шу тадбирларни юқори савияда ўтказиш ҳамда уларга кенг жамоатчиликни жалб этишдан иборат. Ўйлаймизки, бу тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида кутилаётган сув танқислиги муаммосини енгиллаштиришга эришилади.

**Умида ҲАСАНОВА,**
**вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ахборот гуруҳи етакчи мутахассиси.**

## Қишлоқ мулкдорлари



# ҲАР КУН ҒЎЗА ОРАЛАБ...

**Пахтакор учун экин парваришида долзарб кунлар бошланаяпти. Айни дамлар масъулиятини ҳис этиб, ғўза парваришининг ўзига хос агротехникасига қатъий амал қилган, кунма-кун экин ривожи, ҳолатидан бохабар бўлиб турган деҳқон ғалвирни сувдан кўтарадиган вақтда барака топиши шубҳасиз.**

Бу – бекободлик кекса пахтакор, 84 ёшли заминдор Қаюм Жабборовнинг фикри. Отахон фермер умрининг қарийб эллик йилини пахтазорда, ғўза оралаб ўтказган, десак хато қилмаймиз. Шунча йиллик бой тажриба, уқув ва малака отанинг бугунги мустақил ер эгаси сифатидаги фаолиятида айниқса, қўл келмоқда.

Кекса фермер бошчилигидаги хўжалик аъзолари ўтган йили давлатга 68 тонна юқори навли хом ашё етказиб бериб, яхшигина даромад кўрдилар. Бу мавсумги режалари бундан ҳам баланд. Улар 30 гектар майдонда ғўза парваришлашаётир. Дуркун ўсиб, шиғил шоналаган ғўза ниҳоллари бирин-кетин гулга кираяпти.

**СУРАТДА:** фермер Қаюм Жабборов ўз даласида.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Таълим

# ЁШЛАРДА ИШТИЁҚ КУЧЛИ

**Ҳозир умумтаълим мактабларининг битирувчи ёшлари учун муҳим, ҳал қилувчи палла. Улар қутлуғ илм даргоҳларида олган билимлари бўйича давлат имтиҳонларини топширмоқдалар.**

Бу йил вилоятдаги 890 та умумтаълим мактабларининг 11-синфини 18 минг, 9-синфини эса, 54 мингга яқин йигит-қиз тамомлайди. Улар Республика таълим маркази томонидан тайёрланган табиий ва гуманитар фанлар бўйича давлат имтиҳонларида ўз билимларини синовдан ўтказмоқдалар. Бошланғич синфларни тугатган 48 минг 461 ўқувчи эса, жисмоний тарбия фанидан имтиҳон топширдилар.

– 2006-2007 ўқув йили якунида, – дейди Оққўрғон тумани Халқ таълими бўлими мудирининг ўқув-тарбия ишлари бўйича бош мутахассиси Муродилла Худойбердиев. – 29 та мактабнинг 11-синфини 880 нафар ўғил-қиз, 9-синфини эса, 2 минг 428 ўқувчи тамомлаяпти. Ўқувчи ёшларимизнинг билимга бўлган иштиёқи, зеҳни туфайли 11-синфлардан 56, 9-синфлардан эса, 274 нафари имтиёзли шаҳодатнома олиш учун курашияпти. Бу йил туманнинг чекка қишлоқларидаги 13 та мактабда 10-синфлар очилади. Қолган барча мактаблардаги 9-синф битирувчилари касб-ҳунар коллежларида билим ва ҳунар эгаллашни давом эттирадилар.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда яхлит, узлуксиз таълим тизими шаклланиб улгурди. Айниқса, бу жараёнда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун каби кўплаб тарихий ҳужжатлар қаторида Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта-махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.**



# МАКТАБДАН КОЛЛЕЖГА

Бу борада Қибрай туман халқ таълими бўлими мутасаддилигида жойлардаги таълим муассасалари, маҳалла аҳли, ота-оналар ҳамкорлиги доимий йўлга қўйилиб, асосий эътибор 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида ўқишга тўлиқ қамраб олишга қаратилмоқда. Бўлимнинг 2004-2009 йилларга мўлжалланган истиқбол режасида белгилаб олинган чора-тадбирлар ижроси ижобий самара бераётир.

– Якунланган ўқув йилида туманимиз мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчилар 2759 нафар, – дейди халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Зиёда Абдураҳимова. – Уларнинг аксариятида ўқишни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда давом эттириш хоҳиши кучли. Шуларни инобатга олиб, ўсмирларни туманимиздаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари имкониятлари ва уларда яратилган шарт-шароитлар билан батафсил таништириб бордик. Бунда туманимиздаги коллежларда уюштирилган «Қасблар фестивали», «Очиқ эшиклар куни» каби тадбирлар қўл келди. Маҳалла жамоатчилиги, ота-оналар, ўқувчилар иштирокида шу мавзудаги қатор мулоқотларда малакали мутахассис-педагоглар, руҳшунослар ҳамда бевосита ўрта махсус тизим вакиллари ҳам фаол қатнашиб, ўсмирлар дунёқараши, келажакка бўлган ишончи ва эътиборини шакллантиришга оид зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар бердилар.

**Сурайё ХЎЖАМУРОДОВА,**
**ТошДАУ талабаси.**

## Сўраган эдингиз

# МОНИЛИОЗ – ХАВФЛИ КУШАНДА

*Биз меҳнат қилаётган фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. 1,5 гектарлик олмазоримизнинг бир чеккасида етти туп беҳимиз бор. Беҳи – хазинадек гап экан. Серҳосиллигидан каттагина боғнинг баракасини беради.*

*Бироқ, ўтган йили кутилган ҳосилни ололмадик. Қандайдир касал тушиб, меваларга қирон келтирди, сифатини бузди. Меваларнинг аксарияти туганаклигидаёқ қуриб, қорамтир тусга кирди. Унча эътибор бермагандик, аммо айни ҳол бу йил ҳам кузатилаяпти. Энг ёмони, олма боғимиз ҳам хавф остида қолаяпти.*

*Бизни ташвишга солаётган бундай касалликлар ҳақида махсус мутахассис изоҳи ва тавсиялари берилса, мамнун бўлардик.*

*Ўткир БОБОНАЗАРОВ,*
*Қибрай тумани.*

Боғдорчилик йўналишидаги кўплаб фермер хўжаликлари беҳидан мўл ҳосил етиштириб, яхшигина даромад кўришаяпти. Бироқ, охирги 4-5 йил мобайнида беҳизорларда монилиоз (монилиал куйиш) касаллиги кенг тарқалиб, боғбонларга жиддий хавф туғдираётир. Бу кушанда йилдан йилга авж олаётгани сабабли, ўтган йилдан бошлаб у олма дарахтларини ҳам кучли зарарламоқда.

Касалликнинг келиб чиқиши ва кенг тарқалиши сабаблари бевосита кўкламдаги об-ҳаво билан боғлиқ. Айтайлик, бу йилги баҳор серёғин келиб, айнан шу касалликнинг ривожланиши учун қулай шароит туғилди. Уруғли мевалар – беҳи, олма, нок кабиларнинг айни гуллаш даврида ёғингарчилик сурункали давом этди. Оқибатда ҳавонинг нисбий намлиги ҳам меъёридан анча юқори бўлди, ҳарорат кескин пасайиб кетди. Бундай об-ҳаво шароити монилиоз билан бирга қатор замбуруғли касалликлар – гоммоз, клястероспориоз ва ун шудрингини ҳам келтириб чиқарди. Табиийки, етарли парваришланмайдиган, йиллар давомида озиқлантирилмаган мевазорларга кўпроқ путур етди.

Беҳининг мева тугунчалари ва барглари тукли бўлгани учун ёғингарчиликдан, шудринг тушишидан ҳосил бўладиган нам узоқроқ сақланади ва замбуруғнинг авж олиб, ривожланишига қулай шароит туғдиради. Натижада беҳи гулдан чиқиши билан мева тугунчалари ва ўсаётган новдалар бирдан қуриб қолади. Қуриб қолган гул, мева тугунчалари, новдаларидаги барглар узоқ вақт тўкилмай, осилиб туради ва энг ёмони, кейинчалик ҳам касаллик юқишининг манбаи бўлиб қолади. «Совхозная», «Консервная» ва «Ширин» каби ноксимон беҳи навларигина бундай касалликка анча чидамлидир.

Шу каби хасталик билан шикастланган беҳизорларни соғломлаштиришда қуйидаги тавсиялар яхши самара беради.

Кузда ёки эрта баҳорда зарарланиб тўкилган барглар ҳамда мева тугунчалари йўқ қилиниши лозим. Бунинг учун дарахт атрофи 20-30 сантиметр чуқурликда ағдариб чопилса, кифоя. Беҳи ёки олма гулдан чиқиб, зарарланган мевалар ва новдалар аниқ бўлгач, барча шикастланган мева, новда ва шохлар кесиб олиниб, ёқиб ташланиши лозим. Яна бир муҳим жиҳат, дарахтларнинг касалликка чидамлилиги (иммунитети)ни ошириш талаб этилади. Бунинг учун мевазорлар қатори кузги шудгор олдидан калий ва фосфорли ўғитлар билан меъёрида озиқлантирилади. Кўклам ва ёзда 1-2 марта аммофос ўғити (ҳар туп дарахтга 1,5 килограмм атрофида) солинади. Ҳар йили шудгор олдидан маҳаллий ўғит сочиш ҳам кони фойда.

Меваларни тўлиқ сақлаб қолиш учун кузда ёки куртаклар бўртиш арафасида новдаларни 3-4 фоизли бордо суюқлиги билан жиққа хўллаб ювиш зарур. Бунда оҳак ва олтингугурт қайнатмаси ёки 3 фоизли темир купоросини ҳам қўлласа бўлади. Дарахтлар гулдан чиққач, чуқур таъсир этувчи фунгицидлар билан 1-2 марта дориланади.

Бу каби тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, боғдорчиликда тўлиқ самарадорликка эришилиши шубҳасиз.

**М. МИРЗАЕВ,**
**Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти директори,**
**У. НАБИЕВ,**
**ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири.**

**"Ўзбектуризм" миллий компанияси Япония халқаро агентлиги – JICA билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб "Guide book of Samarkand" (Самарқанд бўйлаб саёҳат) китобини нашрдан чиқарди.**

## САЙЁҲЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Мазкур китоб асосан хорижлик сайёҳларга мўлжалланган. Замонавий полиграфия имкониятлари асосида нашр этилган қўлланмада матнлар рус, инглиз, япон, француз ва немис тилларида берилган. Ундан Самарқанднинг тарихи ва бугунги куни, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, самарқандликларнинг турмуши ва анъаналари ҳақида мақолалар, шаҳарнинг тарихий обидалари ва замонавий иншоотларининг фотосуратлари кенг ўрин олган.

ЎзА.

Маънавият

# «КИТОБ ДЎКОНИГА БОРАМИЗ»

**...Ҳали тили чиқмаган гўдакнинг китоб варақлаётганини, ундаги расмларга ҳайрат билан тикилиб қолганини кузатганмисиз? Китоб ўқишга берилиб кетган боланинг қиёфасини-чи?! Уларнинг чеҳрасидаги уйғун ифода илмга чанқоқлик эмасми? Ҳар ҳолда бу инсон табиатидаги зарур эҳтиёж – зиёга, қалб ёруғлигига интилишдир балки?!**



Ҳақиқатан ҳам, илм-маърифатга ташналик азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. «Бешикдан то қабргача илм изла». Бу ҳадис болаликдан онгу шууримизга ўрнашиб қолган. Шунданми, оила, турмуш ташвишлари билан бозор-ўчарга йўл олганда, қандайдир китоб, газета ёки журнал харид қилишни ҳам унутмаймиз.

– Шаҳарга иш билан келувдим, набирам мана шу китобларни олиб келинг, деб илтимос қилди, – дейди бир отахон қўлидаги рўйхатни кўрсатиб. – Биз томонларда китоб дўкони йўқ, қизим...

Керакли китобларни харид қилишга кўмаклашдим, отанинг юзлари ёришиб кетди:

– Раҳмат, сизга, набирам хурсанд бўлади энди.

Шу топда бўкалик боғбон, «Соҳибкор» фермер хўжалиги раҳбари Жуманазар Омоновнинг сўзларини эсладим:

– Фарзандларимнинг ўқимишли бўлишини, китобни севишини истайман. Тошкентга тушсам, китоб дўконлари-ю, гул растaларини кўриб завқланиб кетаман. Бизнинг Қашқадарё қишлоғида ҳам вақти келиб шундай бўлишига ишончим комил. Ўғил-қизларимни қишлоқ хўжалик олий илмгоҳида ўқитмоқчиман.

Халқимизда «Бўладиган бола бошидан маълум» деган гап бор. Лекин бўладиган бола учун ҳам зарур шарт-шароит, имконият керак.

Бугунги кунда вилоятимизда икки ярим миллионга яқин аҳоли яшайди. 890 та мактаб ва 75 та касб-ҳунар коллежида 570 мингдан зиёд бола ва талаба-ёшлар ўқийди, ҳаёт сабоғини олади. Яъни, китоб уларнинг яқин дўсти, кундалик эҳтиёжи. 836 та кутубхона ана шу ёшлар хизматида. Қолаверса, ҳар бир мактаб ёки коллежнинг ўз кутубхонаси бор. Бундан ташқари билим масканларида ташкил этилаётган ахборот-ресурс марказлари, компьютер сабоқлари, интернетдан хабардорлик давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол исботидир.

Лекин шундай қулайликлардан фойдалана олиш учун саводхонлик, рисоладагидек маънавий-маърифий муҳит зарур. Илмли бўлишнинг биринчи шарти аввало болада китоб ўқиш, уқиб мутолаа қилиш кўникмаси шаклланган бўлиши лозим. Зарур адабиётни излаб топиш ва албатта, ўқиб чиқиш кераклигини ҳис қилган ўқувчи учун кутубхонаю китоб дўконларига қатнаш ёқимли машғулотга айланиши табиий. Ҳозирги кунда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида китобхонлар талабига жавоб бера оладиган, таъбир жоиз бўлса, ўзига чорлаб турадиган китоб дўконлари борми? Бўлса, унинг китоблар захираси қандай?

Маълумотларга қараганда, вилоятда 15 та катта-кичик китоб дўконлари бўлиб, уни яна 11 тага кўпайтириш ҳақида кўрсатма берилган. Вилоят ҳокимининг «Вилоятда китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ китоб маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этиш вазифаси «Тошвилкитобсавдо таъминот» акциядорлик жамиятига юклатилган. Туман ва шаҳарлардаги 16 та китоб дўконлари ва Бектемир туманидаги китоб базаси унинг ихтиёрига берилган. Биргина китоб базасидаги аҳвол билан танишгач, бошқа китоб дўконлари ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Мазкур база китоб ва бошқа босма маҳсулотларини сақлаш ва тарқатиш ўрнига чет эл корхонаси ихтиёрига бериб қўйилганлиги маълум бўлди. Айрим туманларда умуман китоб дўконлари йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Тўғри, ҳозирги кунда ёшларимиз китоб ўқишдан кўра кўпроқ компьютер, интернет клубларда вақт ўтказишга одатланиб қолишган дея важкорсон кўрсатувчилар ҳам бор. Лекин мактаб ўқувчисида китоб мутолаа қилиш кўникмасини шакллантириш кимга боғлиқ? Масалан:

«Келгуси дарсимизда ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асари ҳақида суҳбатлашамиз. Шу китобни топиб, ўқиб келинглар» дейилса, ёки фалон китоб дўконида фалон шоир ёки ёзувчининг янги китоби бор экан, дея бир-икки қизиқарли лавҳалар сўзлаб берилса, ўқувчида уни ўқишга иштиёқ пайдо бўлиб, дўконга бормасмикин?

Ёхуд киши диққатини тортадиган, чиройли безатилган, ўқишли, қизиқарли ёки зарур дарсликлар доимо топиладиган дўконлар ёнидан бефарқ ўтиш мумкинми? Албатта, ён-атрофи бетартиб, ҳафтада бир марта ҳам супурилмайдиган, эски, чанг босган китоблар номига териб қўйилган, бир қисмида гўшт ёки тамаки маҳсулотлари сотиладиган китоб дўконлари ҳар қандай китобсевар ўқувчининг ҳам шаштини қайтариши мумкинлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳолбуки, ёшларни инсонийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг камолотга эришишида муҳим омил ҳисобланган китоб, унга бўлган муносабат ҳар бир халқнинг маданиятини, маънавият даражасини белгилайди. Баъзан айрим дарсликлар етишмай қолади. Бу эса ҳар қандай боланинг ўқишга бўлган ихлосини сўндириб қўяди. Шу маънода республика Президентининг «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Болада китобга меҳр уйғотиш, уни асраб-авайлаш кўникмаси аввало оилага, қолаверса, таълим-тарбия муассасаларига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳар ким зиммасидаги масъулиятни тўғри англаб етса, бурчини виждонан бажарса, ҳар қандай иллатнинг олди олинади, маънавият, маданият ўчоғи бўлган зиё масканлари, айниқса, китоб дўконлари ҳамиша китобсеварлар билан гавжум бўлади. Зеро, битмас-туганмас маънавий бойлик – китобга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон йўқолмайди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

## Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

### ШАНБА 23

**O'ZBEKISTON**

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!».
**8.00,** 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
**8.40,** 13.45, 1.30 Олтин мерос.
**8.50** «Шифокор қабулида».
**9.20** «Ҳидоят сари».
**9.40** «Чинсен». «Маўрит».
**10.20**, 20.10 «Жўнатилмаган мактублар». Б/ф.
**11.00** «Оналар мактаби».
**11.20** «Икки тақдир». Т/с.
**12.00** «Самарқанд – 2750».
**12.05** «Интеллектуал ринг».
**12.50** «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
**14.20** «Бекат».
**14.45** «Осмондаги болалар-2». Б/ф.
**16.10** «Қорақалпоқ наволари».
**16.20** «Минг бир маслаҳат».
**16.40** «Ўйла, Изла, Топ!». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
**17.40** «Олтин бешик».
**18.10** «Саломатлик сирлари».
**18.30** «Оҳанглар оғушида».
**18.40** «Минг бир ривоят».
**18.45** «Денгиздан томчи».
**19.15** «Суғурта оламида».
**20.05** «ТВ шифокор».
**21.40** «Хандалак».
**22.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
**22.20** «КиноТеатр».
**22.45** «Ромео ва Жульетта». Б/ф.
**23.55** Тунги наволар.
**00.10** «Интеллектуал ринг».
**1.40** «Янги кун».
**2.40** «КиноТеатр».
**3.05** «Оҳанрабо».
**3.45** «Дўппи».
**4.35** Т/с «Муҳаббат синовлари».
**5.40** Тонгги наволар.

**YOSHLAR**

**7.00,** 14.30 «Янги тонг».
**9.00,** 13.15 «Даврнинг боласи».
**9.15,** 20.50 «Зерда». Т/с.
**9.55,** 18.55, 21.55 «Иқлим».
**10.00**, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
**10.20**, 15.40 «Универсиада-2007» спорт ўйинлари.
**12.10** «SMS-мусиқа».
**12.30** «Матонат».
**12.45** «Автопатруль».
**13.30** «Болаларга жониворлар ҳақида».
**13.55** «Болалар табассуми».
**14.00** «Қор алангаси». Т/с.
**15.30** «Ўсмирлар симфонияси».
**15.50** «Нафосат олами».
**16.15** «Бу байрам – барчамизники!».
**16.20** «Айланай»
**16.40** «Кўзгу».
**17.00** «Ҳаёт учун хавфли». Кинокомедия.
**18.25** «Каталог».
**18.35** «Ғазал мулки».
**19.30** «Эверест».
**20.10** «Дилроз».
**21.40** «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
**21.50** «Оқшом қўнғироқлари».
**22.30** «SMS-мусиқа».
**22.50** Жаҳон киноси: «Симона».

**TOSHKENT**

**7.30** «Салом, Тошкент!».
**8.35,** 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
**9.15,** 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
**9.35** «Маърифат фидойилари».
**9.55,** 11.35, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
**10.00** «Саломат булинг».
**10.10** «Нима учун?».
**10.50**, 19.30 «Музыка SMS».
**11.15**, 20.50 «Репортаж».
**11.25**, 17.55 «Афиша».
**11.45** Кино «Хроника Нарни: Лев, Колдунья и волшебный шкаф».
**18.30**, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
**20.20** «Дневник Универсиады – 2007».
**21.00** «Жозиба».
**22.10** «Истеъдод».
**22.45** «Кино SMS со звёздами».
**22.50** Кино «Поймай и отпусти».

**SPORT**

**7.30**, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
**7.50** «Бодрое утро».
**9.10**, 18.00 Мультфильм.
**9.20** «Смак».
**10.00** «Здоровая семья».
**10.30** Живой мир.
**11.20** «Военное дело».
**11.40** «Стать ближе».
**12.20** «Нокаут».
**12.45** «Дув-дув гап».
**18.15** «Музыкальный тайм»
**18.50** «Фоторевю».
**19.10** «Универсиада – 2007».
**19.25** «В яблочко».
**19.40** «Застали».
**19.55** «Юлдузли матч».
**20.15** «Король ринга».
**21.50** SMS ринг.
**22.20** SMS комедия.
**23.50** Еврофутбол.

### ЯКШАНБА 24

**O'ZBEKISTON**

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!».
**8.00** «Ахборот».
**8.40,** 1.30 Олтин мерос.
**8.50** «Нозикниҳол малика». Б/ф.
**10.15** «Саломатлик сирлари».
**10.35** «Жўнатилмаган мактублар». Б/ф.
**11.10** «Оҳанрабо».
**11.50** «Ҳамон ёдимда»
**12.30** «Ёз кунларининг бирида». В/ф.
**13.20** «CINEMA.UZ».
**13.45**, 14.55 «Денгизлар ҳукмдори». Б/ф.
**16.00** «Оддий ҳақиқатлар».
**16.50**, 1.40 «Олтин тож». «Оқ бўталоқ». М/ф.
**17.50** «Одами эрсанг».
**18.10** «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
**19.10** «Оҳанглар оғушида».
**19.30**, 21.00, 1.00, 4.00 «Таҳлилнома».
**20.05** «50/50».
**21.45** «Кўҳна оҳанглар».
**22.00** «Заковат».
**23.05** «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
**23.15** «Ромео ва Жульетта». Б/ф.
**00.15** Тунги наволар.
**00.30** «CINEMA.UZ».
**2.15** «Халқ ўйинлари».
**2.35** «Заковат».
**3.40** «Нақшлар бўстони».
**4.45** Кино «Муҳаббат синовлари».
**5.50** Тонгги наволар.

**YOSHLAR**

**7.00** «Кавказ асираси». К/комедия.
**8.15** «Хуш келибсиз!».
**8.30** «Болалар давраси».
**9.00** «Якшанба нонуштаси».
**9.20** «Зерда». Т/с.
**10.00** «Ватанпарвар».
**11.00** «Journal».
**11.20** «Уйимдаги фариштам».
**11.40** «Дунё таомлари».
**12.00** Ҳинд киноси: «Кўнгил».
**14.30** «Тараннум».
**15.15** Таътил тухфаси: «Катта саёҳат».
**16.30** «Универсиада – 2007» спорт ўйинларига бағишланади.
**16.50** «Ринг қироллари».
**17.40** «Матонат».
**17.55** «Бу байрам – барчамизники!».
**18.00** «Қаҳқаҳа».
**18.30** «Болалар табассуми».
**18.35** «Ғазал мулки».
**18.55** «Иқлим».
**19.00** «Давр ҳафта ичида».
**19.30** «Мўйқалам сеҳри».
**20.05** «Ёшлик наволари».
**20.30** «Хаёлпарастлар».
**21.00** «KINOMANIYA».
**21.30** Жаҳон киноси: «Таътиллар алмашганда».

**TOSHKENT**

**7.30** «Салом, Тошкент!».
**8.35** «Гвадалупе». Т/с.
**9.15,** 11.50, 18.10 «Телекурьер маркет».
**9.35** «Афиша».
**9.50,** 12.35, «ТВ юрист».
**9.55** Кино «Иван Васильевич меняет профессию».
**11.25** «Интервью».
**11.35** «Истеъдод».
**12.10** «Музыка SMS».
**12.40** «Аптека слушает».
**13.25** Дни летних каникул: «Затура».
**15.00** «Саргузаштлар ороли».
**15.30** Кино «Поймай и отпусти».
**17.10** «Мулоҳаза учун мавзу».
**17.40** «Жозиба».
**18.30** «Дневник Универсиады – 2007».
**19.00** Кино «Дуст булиб коламизми?».
**21.35** «Всё о туризме».
**22.05** «Кино SMS со звёздами»: «Телохранитель». «Стильная штучка». «Куда приводят мечты».

**SPORT**

**7.00** «Бодрое утро».
**8.00** «Универсиада – 2007» спортивные игры: Футбол. Сузиш. Финалы. Баскетбол. Финал. Гандбол. Финал. Легкая атлетика. Гандбол. Финал.
**18.00** «Здоровая семья».
**18.30**, 21.30 Дневник «Универсиады – 2007».
**19.00** «Линии судьбы».
**19.30** «Универсиада - 2007». Торжественная церемония закрытия спортивных игр.
**20.10** «Тайм-аут».
**20.30** «Поле чудес».
**22.00** «Её шикарный роман». Х/ф.
**23.30** Еврофутбол. Кубок Испании.

Утерянный диплом НТ-I № 241001 (регистр. № 17244) выданный 30 июня 1990 года Ташкентским дошкольным педагогическим училищем им. Н. К. Крупской на имя Исмаиловой Нигоры Мирзаякубовны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Кўчмас мулклар бўйича Тошкент вилояти рўйхатдан ўтказиш идорасининг Зангиота туман филиали томонидан 2007 йил 27 апрелда фуқаро Мусаев Акром Рихсиевич номига берилган 383 рақамли, 06195 серияли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1989 йилда Юсупова Умида Усмоновна номига берилган БС № 967038 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, фахрий журналист **Жасур НОСИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Оҳангарон ўрмон хўжалиги ва касаба уюшма қўмитаси жамоаси хўжалик раҳбари Муҳамедов Ғайрат Аминовичга акаси **Ҳамид МУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жиноят ва жазо

# БИЛИБ БОСИЛГАН ТИКАН



Оқ-қорани таниган одам қадамини ўйлаб босади. Бамисоли, сутдан оғзи куйган киши қатиқни ҳам пуфлаб ичганидек. Оми – бошқа гап. У чағир тошни ҳам, тиканни ҳам босиб ўтаверади, охири жони оғрийди, элга кулги бўлиб, кейин бир умр пушаймон қилиб ўтади.

Лекин Аъзам Маҳаматбеков билан Фахриддин Зиямиддинов асло оми одамлар эмас. Улар ўқиган, оқ-корани жуда яхши ажрата оладиган, боз устига, қонун-қоидаларга риоя қилиниши устидан назорат олиб борувчи масъул шахслар. Лекин ўзлари шахсий манфаат кўриш, бойлик орттириб қолиш мумкин деб ҳисоблашган вазиятда мутлақо ўйлаб ўтиришмади, билатуриб тиканни босишди. Мана энди жабрини тортиб ўтиришибди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди уларнинг жиноий ишини очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқди. Маҳаматбеков беш йил муддатга озодликдан, кейин уч йил мобайнида мансабдор ва моддий-жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Зиямиддиновга эса жазоларни қисман қўшиш йўли билан энг кам иш ҳақининг 400 баробари – 3 миллион 760 минг сўм миқдорида жарима солинди. У ҳам жазони ижро этиб бўлганидан кейин уч йил давомида мансабдор ва моддий-жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Хўш, суд жиноятчи деб топган бу шахслар ким? Улар қандай қонунбузарлик ҳаракатларини содир этишди? Ахир, улар катта идорада хизмат қилишарди, ҳамиша ҳамкасб ва раҳбарларнинг кўз ўнгида эди-ку? Наҳотки, вақтида тартибга чақириб, огоҳлантириб, асраб қолишнинг иложи бўлмади?

Тергов-суд ҳужжатлари билан танишар эканмиз, шу сингари саволлар тинчлик бермасди. Ахир, улар қонунлардан бехабар кишилар эмас, аксинча, ҳуқуқ-тартибот идорасининг масъул ходимлари эдилар. Айтайлик, қора курсига ўтиргунича милиция подполковниги Аъзам Маҳаматбеков вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг 3-йўл ҳаракати хизмати отрядининг командири эди. Хизмат доираси Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Қуйичирчиқ туманлари ва Янгийўл шаҳрини қамраб оларди. Унча-мунчани писанд қилмас, айтгани-айтган эди. Милиция капитани Фахриддин Зиямиддинов эса, шу жамоада катта инспектор эди.

Тергов-суд жараёнларида уларнинг ҳар иккисини қора курсига олиб келган воқеалар бутун тафсилотлари билан ойдинлаштирилди. Аниқландики, 2006 йил апрелининг охирларидан бошлаб Маҳаматбеков Тошкент – Термиз йўлининг Зангиота туманидан ўтадиган 818-километрида жойлашган «Малика» хусусий ошхонаси ва автомашиналарни ювиш шахобчаси теварагида кўпроқ «айланишадиган» бўлиб қолган. Шу жойларни ижарага олиб, ўз хусусий ишини бошлаш ҳаракатида юрган Шарофиддин Ғаниев, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатаётган бошқа айрим фуқароларга бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний эканлигини важ қилиб, тегишли ҳужжатларсиз ҳам бу «тирикчиликлари»ни давом эттириш учун имкон туғдириб берилиши эвазига 2000 доллар тўлашни талаб қила бошлаган. Табиийки, рўзғор тебратиш илинжида юрган одамлар унинг бу талабини қаноатлантира олишмасди. Шундан кейин, Маҳаматбековнинг қўл остида хизмат қилувчи катта инспектор Фахриддин Зиямиддинов «Малика» ошхонаси ёнида пайдо бўлди.

– Ҳайдовчилар Шарофиддин Ғаниев, Шоаббос Турсунов, Зоҳид Раҳимов, Саидмуҳаммад Ортиқов, Абдураззоқ Иброҳимов, Қобил Абдуллаевнинг йўловчи ташиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари йўқлигини аниқлаб, маъмурий баённомалар туздим, – деди у судда.

Лекин унинг суддаги кўрсатмалари бири-бирига зид, мантиқсиз бўлиб чиқди. Чунончи, баённомалар тузилаётганда божалари Ҳасан Фозилов билан Аҳад Холмирзаев келиб қолишганмиш, айни шуларни баённомада холислар сифатида кўрсатганмиш. Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Аҳад Холмирзаев буни рад этди:

– Фахриддин ҳеч қанақа ҳужжат кўрсатмади. Холис сифатида иштирок этишни ҳам таклиф қилгани йўқ. Бирор ҳужжатга имзо ҳам қўймаганмиз.

Демак, баённомалардаги имзолар Зиямиддинов томонидан қалбакилаштирилган. Катта инспектор шу куни Шарофиддин Ғаниев ҳам ноқонуний фаолият билан шуғулланаётганлиги ҳақида баённома тузди. Таажжублаарли томони шундаки, кейинчалик, хизмат текшируви вақтида Зиямиддинов ҳайдовчиларнинг автомашиналарини жарима майдончасига қўйиб, ҳайдовчилик гувоҳномаларини ўзларида қолдириши кераклигини билмаганлигини (!) баён қилиб кўрсатма берган.

– Ҳужжатларни кимдан оламиз? – сўрашди ҳайдовчилар.

Зиямиддинов жавобни қисқа қилди:

– Бошлиққа учрашасизлар.

«Малика» теварагида одамларни шу тариқа «илинтириб» олгач, Аъзам Маҳаматбеков таъмагирлик ҳаракатларини яна ҳам қатъийлаштирди, ҳайдовчилик ҳужжатларини қайтариб беришни сўраб ҳузурига келган одамларга қўпол муомала қилиб, таҳқирлаши одатдаги ҳолга айланди. Бир учрашув чоғида Ғаниев унга Зангиота туман ҳокими ва ДАН бошқармаси томонидан тасдиқланиб, автомашиналарнинг тўхташи учун рухсат берган махсус чизмани кўрсатди.

– Ҳар куни шу ерга икки нафардан ДАН ходимини тайинлаб қўяман, – деди бунга жавобан Маҳаматбеков ҳаволаниб. – Шунда кўрасан, йўловчиларга тўхташ-тўхтамаслигингни. Шу жойда ишлаш мақсадинг бўлса, ҳар ой 2000 доллардан бериб турасан!

Ноилож аҳволда қолган ҳайдовчилар маслаҳатлашиб, охири дастлаб 800, кейинчалик 1000 доллар тўплаб боришга рози бўлишди.

– Аммо бу бедодлик бизни қаттиқ ранжитди ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига Маҳаматбеков пора талаб қилаётгани ҳақида ариза билан мурожаат қилдик, – деди судда Шарофиддин Ғаниев.

Шундан кейин тезкор операция режаси ишлаб чиқилди ва 5 май куни милиция подполковниги Аъзам Маҳаматбеков «Регистон» йўл-патруль хизмати масканидаги хизмат хонасида пора тариқасида 700 доллар олган вақтида, яъни жиноят устида қўлга олинди. Фахриддин Зиямиддинов эса, эҳтиёт чораси сифатида 250 минг сўм гаров эвазига озодликда қолдирилди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам суд мажлиси мобайнида айбларига иқрор бўлишмай, ўз жиноий ҳаракатларини инкор этишга обдон уринишди. Бироқ, суд ҳайъати тергов жараёнида тўпланган далилларни чуқур ўрганиб, кўпдан-кўп гувоҳларнинг кўрсатмалари ва Адлия вазирлигининг Суд-экспертиза маркази суд-фоноскопик экспертизаси хулосасига асосланиб, ягона тўхтамга келди.

Савол туғилади: «Милиция подполковнигининг бунчалик тубанлашуви қандай юз берди?»

Шу савол муносабати билан бир воқеани эслаб ўтиш ўринли. 2004 йили қиш охирлаб қолганида шу 3-йўл-патруль хизмати отряди фаолият юритувчи ҳудудда «Сергели – Қаҳрамон» йўналиши бўйича 74-автобус қатнови йўлга қўйилди. Зангиота туманининг Хонобод, Ўзгариш, Чоштепа, Эшонгузар, Далигузар ва Қаҳрамон шаҳарча ҳамда қишлоқлари аҳолиси буни алоҳида мамнуният билан қабул қилишди.

Лекин тез орада бу хурсандчиликни хиралаштирувчи ҳодисалар ҳам бошланди. Чунончи, «7-автопарк» очиқ акциядорлик жамияти ҳайдовчиларини айни йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари маршрут бўйича ўтказмасликка ҳаракат қила бошлашди. Шу йўналишнинг бир қисмида қатновчи микроавтобусларнинг ҳайдовчилари «ЙҲХ»чилар билан «ҳамкор» эканликлари, шунинг учун автобуслар қатновига тўғаноқлар пайдо бўлаётгани қишлоқларда овоза бўлиб кетди. Бир гуруҳ газетхонлар ўшанда «Тошкент ҳақиқати»га мурожаат қилишди. Улар 3-йўл-патруль хизмати отрядининг командири Аъзам Маҳаматбеков янги очилган автобус йўналишига «кўндаланг туриб олгани», бутун куч 74-автобус қатновини бекор қилишга ташлангани ҳақида ёзишганди. Шу шикоят хати ўрганилиб, «Йўловчиларни ким ҳимоя қилади?» сарлавҳали кичик бир луқма тайёрланди.

Масалани атрофлича мулоҳаза қилиб, ўшанда таҳририят уни газета саҳифасида эълон қилмасдан, муаммони ўрганиш, айбдорларни тартибга чақириш ва амалий чора кўриш учун вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига жўнатди. Орадан кўп ўтмай – 2004 йил 1 мартда бошқарма бошлиғи А. Хамидуллаев имзолаган 25/12 – 513-рақамли жавоб хати олинди. Афсуски, у юзаки, енгил-елпи тайёрланганди, айбдорларни жиддий тартибга чақириш ўрнига юз берган воқеалар хаспўшлаб қўя қолинганди.

Мана, оқибат. Агар ўзидан «кетиб» қолган ходимлар ўшанда тартибга чақирилиб, жамоада маънавий-касбий ва ахлоқ тарбияси кучайтирилганида эди, воқеа «Малика» қаҳвахонаси теварагида юз берганидек тус олмасмиди?

Тошкент – Термиз йўлининг 818-километрида Маҳаматбековнинг «чаккибосарлиги» оқибатида келиб чиққан жиноят очилиб қолгач, табиийки, ўша бошқарма раҳбарлари хизмат текшируви ўтказишга жиддий киришишга мажбур бўлишди. Чунки энди Маҳаматбековнинг кирдикорларини очишга шунчалик «бир гуруҳ ёзғувчилар» эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи махсус идора киришган эди. Шу боис дарҳол хизмат текшируви ўтказилиб, «касб одобномасини бузган» Маҳаматбеков дарҳол ички ишлар идоралари хизматидан бўшатилиши ҳақида хулоса чиқарилди. Табиийки, бир қатор меъёрий йўл-йўриқларни ва «касб одобномаси» талабларини бузган, ҳужжатларни нотўғри расмийлаштириб, имзоларни сохталаштирган Фахриддин Зиямиддиновни ҳам хизматдан бўшатиш лозим кўрилди. Агар ишда жиддий камчиликларга йўл қўяётганлиги ҳақидаги дастлабки хабарларга юзаки ёндошилмаганида, балки воқеалар бунчалик тус олмасмиди.

Энди ғишт қолипдан кўчганди. Бир порахўр, шахсий манфаатпараст, амал кучи ҳаволантириб юборган ходимнинг жазоланиши ўз йўлига, лекин идора, тизим беобрў бўлиши, соф виждонли, ҳалол кишиларнинг эл кўзи ўнгидаги фаолиятига соя ташланиши ёмон. Буни бугун хизмат ходимлари ҳам, Зангиота қишлоқларининг аҳолиси ҳам чуқур англаб етишди.

Ҳарқалай, ҳечдан кўра кеч англангани, тегишли хулосалар чиқарилгани ҳам яхши.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**




**ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!**

**2-болалар Мурувват уйи биносининг юмшоқ томини қайта реконструкция қилиш учун қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ўртасида тендер эълон қилади.**

**Мурожаат учун телефонлар:**
**391-39-46, 391-39-31, 391-65-08.**

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Ташкилот «AGRIKO» (Голландия) компанияси тайёрлаган эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизерс ва бошқа биринчи репродукцияли элита ҳамда суперэлита навли картошка уруғларини нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан харид қилишни таклиф этади.**

Уруғлик картошка қуйидаги манзилдаги омборхонада сотилади: Зангиота тумани, Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғини, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. (Мўлжал: Назарбек божхона пости).

**Маълумот учун телефонлар:**
162-43-99, 162-40-99,
700-03-77, 333-33-22.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 6884. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.*

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4